O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2004-yil, 17-dekabr • № 50 (3776)

## МИЛЛИЙ МЕРОСИМИЗГА ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ




Улуғ ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг машҳур «Бобурнома» асари «Babur Memorias» номи билан испан тилида нашр этилди. Асарни Барселона университетининг профессори, шарқшунос олима Мерсе Комес хоним таржима қилган.

Шу йилнинг ноябрида мазкур университетда Испаниянинг кенг жамоатчилиги, адиблар иштирокида ушбу китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Профессор Мерсе Комес хоним ўзбек халқига бўлган чексиз ҳурмати ва буюк аждодлар хотирасини улуғлаш, уларнинг меросини ўрганиш борасида беқиёс ғамхўрлик кўрсатаётган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга чуқур эҳтиром рамзи сифатида мазкур китобни Юртбошимизга тақдим этди.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари испаниялик олимага миннатдорлик мактуби йўллади. Унда, жумладан, шундай дейилади: «Ўзбек халқининг улуғ шоири, буюк саркарда ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур яратган, ўзбек миллий маданиятининг нодир дурдоналаридан бўлмиш «Бобурнома» асарини испан тилига таржима қилиб, нашр эттирганингиз учун самимий миннатдорчилигимни билдираман.

Сизнинг ташаббусингиз ва саъй-ҳаракатингиз билан таржима қилинган «Бобурнома» нафақат Испания, балки испан тилида гаплашадиган мамлакатлар халқларини Ватанимизнинг бетакрор маданий мероси ва бой тарихи билан яқиндан таништириш учун хизмат қилишига ишончим комил».

Президентимиз китоб таржимонини кириб келаётган янги 2005 йил билан самимий табриклаб, унга мустаҳкам соғлик, илмий-ижодий зафарлар тилади ва Бобур туғилиб ўсган жойларни зиёрат қилиш учун Ўзбекистонга таклиф этди.

**ЎзА**





*Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.*

## ШУНДАЙ ЎЛКА ЭЛГА ЁР БЎЛСИН!

***Халқимизнинг оташин шоири, отамиз Ҳамид Олимжон мустақил Ўзбекистонимизнинг юксак мукофотига муносиб кўрилгани барча шеърият мухлислари қатори биз — шоир фарзандлари учун ҳам катта байрам ва чексиз қувончга айланди.***

Агар отамиз узоқ умр кўриб, бугун ҳаёт бўлганларида, дунёда улардан бахтли инсон бўлмасди. Агар аяжонимиз, халқимизнинг ардоқли шоираси Зулфияхоним ҳаёт бўлганларида, бу мукофотдан боши осмонларга етган бўлур эди.

Бугун Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним руҳлари шод. Улар ижодлари қадр топган замонни бамисоли бизнинг кўзимиз — фарзандлар нигоҳи билан кўриб турибдилар.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг қўлларидан марҳум отамиз сазовор бўлган юксак мукофот — «Буюк хизматлари учун» орденини қабул қилиб олар эканман, хаёлимдан шундай ўйлар кечди. Зотан, озод Ватанимизнинг улуғ мукофотини қабул қилиб олган фарзандлар ташаккури азиз отамиз ва онамизнинг ҳам беқиёс миннатдорлиги рамзидир.

Оталаримиз, оналаримиз меҳнати ва ижоди юксак қадрлангани тимсоли бўлмиш мукофотларни қабул қилар эканмиз, биз — Ҳамид Олимжон, Сора Эшонтўраева, Ойимхон Шомуротова, Наби Раҳимов ва бошқа ижодкорларнинг фарзандлари, набиралари ниҳоятда ҳаяжонландик. Чунки Ватанимизнинг юксак эҳтиромига сазовор бўлган бу инсонлар бутун умрини, ижодини халққа бағишлаган эдилар. Улар Ватанни озод, юртни мустақил, ҳаётимизни юксак маънавий чўққиларда кўришни истаган улуғ зотлардир. Биз бугун мана шундай юксак мартабаларга эришган кунда миннатдор халқимиз уларнинг ижодий меҳнатини хотираларида сақлаб келаётгани ҳам табиийдир. Уларнинг ҳаёти XXI аср, янги авлодлар учун юртга хизмат қилишнинг беқиёс намунаси бўлиб қолади, келажаги буюк давлат — Ўзбекистоннинг шуҳратига янги шуҳратлар қўшади, деб ишонаман. Шуларни ўйлар эканман, отамиз Ҳамид Олимжоннинг она-Ўзбекистонни таърифлаб ёзган энг ноёб мисралари акс-садо бергандай бўлади:

**Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон,**
**Достонларда битган гулистон.**
**Ўзбекистон дея аталур,**
**Уни севиб эл тилга олур...**
**Шундай ўлка доим бор бўлсин,**
**Шундай ўлка элга ёр бўлсин!**

**Ҳулкар ОЛИМЖОНОВА**

## НАФОСАТ КОШОНАСИ

***Пойтахтимиз яна бир гўзал санъат кошонаси билан бойиди. Мустақиллик майдони ва Буюк Турон кўчаси туташган жойда, метронинг «Мустақиллик майдони» бекати ёнида қад кўтарган Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси мустақиллик йилларида янги қиёфа касб этган Тошкент марказига узукка кўз қўйгандек ярашди. Ўтган жума куни Мустақиллик байрами арафасида қуриб фойдаланишга топширилган ана шу санъат кошонасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Бу тадбирга Марказий Осиё давлатлари ҳамда Москва ва Санкт-Петербургдаги йирик санъат музейларининг раҳбар ва мутахассислари, таниқли мўйқалам усталари, санъатшунос олимлар, пойтахт маданий жамоатчилиги намояндалари ташриф буюрдилар.***

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан ва унинг бевосита ҳомийлигида анъанавий миллий услубда қуриб фойдаланишга топширилган галерея шарқона меъморий ёдгорликларимиз қиёфасига ҳар жиҳатдан уйғун бўлиб, у бундай иншоотларга қўйиладиган барча муҳандислик талабларига тўла жавоб беради. Уни бунёд этишда Италия, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Россия каби давлатлардаги йирик музейлар ва кўргазма залларида тўпланган тажрибалардан кенг фойдаланилди.



Янги замонавий ускуналар галерея залларидаги ноёб санъат асарлари учун зарур бўлган мўътадил ҳаво ва намликни бир меъёрда сақлаб туради. Ҳимоя воситалари ҳам кўнгилдагидек. Тасвирий санъат саройи кино ва суҳбатлар учун махсус заллар, кутубхона, устахоналар, студияларга ҳам эга бўлиб, бу ўзига хос санъатшунослик маркази халқаро кўламдаги нуфузли кўргазмалар ташкил этиш учун ҳам ҳар жиҳатдан қулайдир.

Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси тарихини бошлаб берган кўргазмага Миллий банк коллекцияларида сақланаётган 300 га яқин асарлар қўйилган. Улар орасида Усто Мўмин, Л.Бурэ, П.Беньков, Ў.Тансиқбоев, А.Абдуллаев, Р.Аҳмедов, Б.Жалолов, Н.Қўзибоев, М.Йўлдошев, Ч.Аҳмаров сингари таниқли мўйқалам усталарининг асарларини кўрасиз. Томошабинлар, шунингдек, Бадиий академия ва Санъат музейида сақланаётган ва илгари намойиш этилмаган ноёб асарлар билан ҳам танишадилар.

Галерея экспозицияларидан Миллий банк бадиий фондининг ноёб дурдонаси бўлган қадимий тангалар коллекцияси ҳам жой олган. Кўп мингйиллик давлатчилик тарихимизни қамраб олган турли даврларга оид ноёб тангалар ва нумизматик экспонатлари билан ушбу галереямиз жаҳондаги энг мўътабар музейлар билан беллаша олади, деб айтиш мумкин.

Пойтахт маданий ҳаётида катта воқеа бўлган Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси тақдимотини унинг директори Рустам Тошматов очиб, бу тадбирга узоқ ва яқин хориж мамлакатларидан ташриф буюрган меҳмонлар билан таништирди. Москвадаги Третьяков галереяси бўлим бошлиғи, Россия Федерациясида хизмат кўрсатган санъат арбоби Г.Чурак, Г.Айтиев номидаги Қирғизистон миллий санъат музейи директори ўринбосари Г.Тохтасунова, Пушкин номидаги Москва давлат тасвирий санъат музейи бўлим бошлиғи В.Тяжелов, Россия Шарқ халқлари санъати музейи бўлим бошлиғи В.Мусина, Туркманистон Рассомлар уюшмаси раиси А.Муҳаммедов, Қозоғистон давлат тасвирий санъат музейи директори Б.Умрбеков, шунингдек, ушбу галереяни ноёб муҳандислик ускуналари билан жиҳозлаган Санкт-Петербургдаги «Раритет» фирмаси директори ўринбосари А.Ермаковлар тошкентлик санъат мухлисларини меъморий жиҳатдан гўзал ушбу муҳташам иншоот билан самимий қутлаб, дил сўзларини изҳор қилдилар, совға-саломлар, ноёб каталоглар туҳфа этдилар.

Ўзбекистон халқ рассоми Раҳим Аҳмедов тақдимот маросимида сўзга чиқиб, Президентимиз ташаббуси ва Миллий банк ҳомийлигида барпо этилган бундай гўзал санъат кошонаси учун Ўзбекистон тасвирий санъат намояндалари номидан миннатдорлик билдирди.

## ХИВАДА МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ

Албатта, биз пойтахт ва катта шаҳарларда ўтадиган турли фестиваллар ва тадбирларга кўникиб қолганмиз. Лекин бу сафарги фестивал ўзига хос ва бетакрор бўлди.

— Хива шаҳар ҳокимлиги ташаббус билан чиқди, - дейди бу ҳақда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев.

— Ташаббусдан кўзланган мақсад бизга маъқул бўлди. Дарҳақиқат, вилоятларда фестиваллар, учрашувлар ўтказиш, оддий меҳнаткаш кишилар, ўқувчи-талабалар билан юзма-юз мулоқот қилиш ҳар қандай ижодкор учун илҳом манбаи бўлибгина қолмай, мухлислар учун ҳам маънавият, маърифат дарслари бўлиши, шубҳасиз.

Фестивалнинг очилиши Хива педагогика коллежида бўлди. Сўнгра фестивал қатнашчилари — таниқли композиторлар Рустам Абдуллаев, Ҳабибулло Раҳимов, Муҳаммаджон Отажонов, Ўзтелерадиокомпания қошидаги камер оркестри, Ниҳол мукофоти соҳибаси Саида Мамадалиева, республика танловлари совриндори созанда Дилафрўз Иброҳимова ва бошқалар А.Отажонов номидаги санъат мактабининг 80 йиллигига бағишланган ижодий кечада қатнашдилар.

Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Пак раҳбарлигидаги 20-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан бўлган мулоқот узоқ вақт болалар ёдидан чиқмаса керак. Учрашув вақтида мазкур меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун шоир Нормурод Нарзуллаев ва композитор Рустам Абдуллаев ҳамкорлигида яратилган "Сен ёлғиз эмассан" қўшиғи тақдим этилди ва болалар уни жон-диллари билан куйладилар.

Қизиғи шундаки, "Хива олтин кузи" номли бу фестивал бошқа туманларга ҳам кўчди. Хусусан, Урганч туманидаги ва Урганч шаҳридаги болалар мусиқа мактаблари ва Хонқа туманидаги мусиқа мактабида ўтган ижодий учрашувлар, мастер-класс дарслари барча қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирнинг ёпилиш маросими Феруз номидаги Санъат саройида ўтказилди.

— Фестивалнинг муваффақиятли ўтишида Хива шаҳар ҳокими Матёқуб Мадаминов, туман ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Озод Зарипов ҳамда мусиқа мактабларининг хизмати катта бўлди, - деди Рустам Абдуллаев. - Ўйлаймизки, бошқа вилоят ва туманлар ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватлайдилар. Фарзандларимиз ўзбек ва жаҳон мусиқаси дурдоналари билан бевосита танишишлари учун у қадар кўп нарса керак эмас, фақат хоҳиш, истак ва ҳаракат бўлса бас.

**Г.УМАРОВА**

## ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

*Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ёш авлодни истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, китобхоннинг замон руҳи акс эттирилган бадиий асарларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида* ***«Истиқлол: замонамиз қаҳрамонлари»*** *танловини эълон қиладилар.*

Мустақиллик йилларида ўз эрки, қадрини топиб, янги ҳаёт қуриш, моддий ва маънавий неъматлар яратишда, ўз халқининг тинчлиги, фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсатиб, турли соҳаларда меҳнат қилаётган, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган инсонлар — замонамиз қаҳрамонларини, қалби Ватанга меҳр-муҳаббат ҳислари билан тўлган ўғил-қизларнинг ёрқин образларини акс эттирган сермазмун асарлар яратиш танловнинг бош мақсадидир.

Танловга мустақилликни мустаҳкамлаш, юрт иқтисодиётини бойитиш, маънавиятни юксалтириш, мамлакат куч-қудратини таъминлаш йўлида фидойилик, мардлик намуналарини кўрсатган замондошларимизга бағишланган янги асарлар қабул қилинади.

Тақдим этилган асарлар икки қатор оралиғида 2 нусхада кўчирилган бўлиши лозим. Қўлёзмалар ички тақризга берилиб, ғолиблар тақризчилар хулосаси асосида танлов ҳайъати томонидан аниқланади.

Қўлёзмалар тайёр бўлмаган тақдирда, Танлов ҳайъати истисно тариқасида асарнинг мазмуни лойиҳасини ҳам кўриши мумкин. Бундай ҳолда асар лойиҳаси режаси 2005 йилнинг 1 апрелигача топширилиши талаб қилинади.

Танловнинг мукофот пули миқдорига ўзгаришлар киритилиши мумкин.

«Истиқлол: замонамиз қаҳрамонлари» танлови якуни 2005 йил Мустақиллик куни арафасида эълон қилинади. Танловда ғолиб чиққан муаллифлар ёрлиқ ва пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги пул мукофотлари ҳамда рағбатлантирувчи мукофотлар таъсис этилган.

***Шеърий тўпламлар учун:***

— **биринчи ўрин** — икки миллион сўм;
— **иккита иккинчи ўрин** — бир миллион сўмдан;
— **учта учинчи ўрин** — рағбатлантирувчи мукофотлар.

***Насрий асарлар учун:***

— **биринчи ўрин** — икки миллион сўм;
— **иккита иккинчи ўрин** — бир миллион сўмдан;
— **учта учинчи ўрин** — рағбатлантирувчи мукофотлар.

Танлов ғолибларининг асарлари имтиёзли равишда нашр этилади. Қўлёзмалар 2005 йилнинг 1 июлигача Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйига топширилиши лозим.

**Манзилимиз: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**
***Маълумот учун телефонлар:***
*144-22-53, 144-11-19.*

## Тақдимот

## ТАФАККУР ДОВОНИ

"Ўтмишдаги шон-шуҳрат, муваффақият ва парвозлар яхши нарса, албатта! Аммо улар шунақа нарсаки, ҳар бир янги авлод бу шуҳратга шуҳрат қўшиб турмаса, эски ютуқлар қаторини янгилари билан бойитиб бормаса, миллатнинг қаноти қайрилиб, парвози сусайиб қолади". Замондошларимизни, келажак авлодни ҳам мудом интилишга, камолотнинг юксак чўққиларини забт этишга чорлайдиган бу сўзлар Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли адиб ва адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновнинг куни кеча чоп этилган "Довондаги ўйлар" китобидан олинди.




Китоб сарлавҳасидаги "довон" сўзини умрнинг муайян босқичи маъносида ҳам, она-Ватанимизнинг нурли истиқболи йўлидаги бир манзил сифатида ҳам тушуниш мумкин. Қандай талқин этилганда ҳам, бу сўз теран моҳиятга, чуқур мазмунга эга.

"Мустақиллик меъмори" рукнида берилган мақолаларда Президентимиз Ислом Каримовнинг салоҳиятли давлат раҳбари, ҳар доим ўзгалар ғамини ўйлайдиган чин инсон сифатидаги фазилатлари ҳаётий мисоллар орқали кўрсатиб берилган. Юртбошимизнинг янги жамиятни барпо этишдаги хизматлари, бу йўлдаги сабот ва матонати ҳақида теран мушоҳада юритилган.

Озод Шарафиддинов — ҳақпараст ижодкор. У ҳақиқат олдида ҳатто ўзига нисбатан ҳам бениҳоя шафқатсиз. Ҳаётнинг машаққатли йўлларида ўзи йўл қўйган камчилик ва қусурларни ҳам мардона эътироф этади. Биргина "Эътиқодимни нега ўзгартирдим?" мақоласиёқ ушбу фикрни тўла тасдиқлайди.

Озод ака ўзи мансуб бўлган халқни, бир лаҳза бўлсин, эсдан чиқармайдиган, унинг ғамини ўз ғами деб ўйлайдиган чин зиёли. "Довондаги ўйлар", "Бозор ва маънавият" каби мақолалари бунинг ёрқин далили.

У — чинакам тафаккур соҳиби. Бинобарин, ўз эътирофича, фикрлашдан, мушоҳада этишдан тўхтаган одамнинг ҳаётида ҳеч қандай мазмун қолмайди. Озод ака кенг миқёсда фикрлайдиган олим. Унинг "Нажот — ҳамкорликда" сарлавҳали Салмон Рушдига ёзган очиқ хатини ўқиган одам албатта бунга амин бўлади.

"Довондаги ўйлар"дан ўрин олган Мустафо Чўқай, Чўлпон, Отажон Ҳошим, Саъдулла Қосимов ҳақидаги мақолалар таҳлилий қуввати, далилларнинг ишонарли эканлиги, хулосаларнинг теранлиги билан алоҳида ажралиб туради.

"Замондошлар билан учрашув" рукнидаги мақолалари олимнинг она-Ватанга, унинг ҳар бир фарзандига бўлган самимий муҳаббати билан йўғрилган. Уларда муаллифнинг Олам ва Одам ҳақидаги фалсафий ўйлари ўз ифодасини топган.

Бир сўз билан айтганда, "Маънавият" нашриётида 3000 нусхада (ҳажми 28,58 б.т.) чоп этилган мазкур китоб олимнинг ўз мухлисларига муносиб туҳфаси бўлган, дейиш мумкин.

* * *

*Шу йил 15 декабр куни Ўзбекистон Миллий университетида Озод Шарафиддиновнинг "Довондаги ўйлар" китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Ушбу китобхонлик байрамини университет ректори профессор Равшан Ашуров кириш сўзи билан очди. Шундан кейин сўзга чиққан олима Ҳулкар Олимжонова, профессорлар А.Расулов, Қ.Йўлдошев, Ш.Юсупов, Н.Жабборов, "Маънавият" нашриёти директори С.Аҳмедов "Довондаги ўйлар" китоби маънавий ҳаётимизда муҳим ҳодиса бўлганлиги, ундаги мақолалар чинакам юксак тафаккур маҳсули эканлиги хусусида гапирдилар.*

*Тақдимот сўнгида профессор Озод Шарафиддинов китобхонлик маданияти, фикр тарбияси ҳақида сўзлади. Йиғилишни ўзбек филологияси факултети декани, профессор Б.Каримов олиб борди.*

**А.ҲАКИМОВ**

## ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

**«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»**га
2005 йил учун обуна
давом этмоқда.
Обуна баҳоси сиз кутганингиздан анча арзон.
**Нашр кўрсаткичимиз — 222**
Мамлакатимизнинг барча шаҳар, туман ва қишлоқларидаги алоқа бўлимлари ҳамда матбуот тарқатиш муассасаларида сизни кутиб турибди.
***Обуна чекланмаган.***



**БАНККА ҚЎЙГАН ПУЛИНГИЗ ТИЛИНГИЗНИ, ОБУНАГА САРФЛАГАН ПУЛИНГИЗ — ДИЛИНГИЗНИ БУТУН ҚИЛАДИ.**

O'ZUYJOYJAMG'ARMABANK
*Imkoniyat yaratamiz*

"ҒАЛЛАБАНК" ҲАМКОРИНГ БЎЛСА,
ҲИСОБДАН АДАШМАЙСАН!

